БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида янги иншоотларни фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланиб қолди. Бу йил юзга яқин ана шундай байрам иншоотлари бунёд этилди.

25 август куни Президент Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтида қад кўтарган «Жар» спорт маркази ҳамда «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган усти ёпиқ теннис кортини бориб кўрди.

«Жар» спорт маркази қарийб 16 гектар майдонни эгаллаган. Унинг таркибига минг томошабинга мўлжалланган усти ёпиқ теннис корти, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, футбол, енгил атлетика майдонлари, универсал спорт зали, бир қанча машқ хоналари ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари киради.

Юнусободдаги усти ёпиқ теннис корти эса ўхшаши йўқ иншоот бўлиб, энг замонавий усулда бунёд этилган. У қарийб тўрт минг томошабинни сиғдира олади. Ундан баскетбол, волейбол, бокс, оғир атлетика каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Яқинда бошланажак «Президент кубоги» теннис турнири очилиш маросимида иштирок этадиганлар мазкур спорт саройининг маҳобат ва гўзаллигининг илк шоҳиди бўладилар.

Президент иншоотларни кўздан кечирар экан, уларни лойиҳалаштирган ва бунёд этган меъморлар, қурувчилар, муҳандислар билан суҳбатлашди. Спорт майдонларининг ҳажми, халқаро стандартларга мослиги билан қизиқди. Ҳатто, танланган ранглар ҳам, майдон четидаги тўсиқлар ҳам Ислом Каримовнинг назаридан четда қолмади. Йўлбошчимиз қурувчилар меҳнатига юқори баҳо берар экан, иқлим шароитимизда спорт иншоотлари баҳаво бўлиши зарурлигини қайд этди. Қурилишларда кўпроқ маҳаллий материаллардан фойдаланишни тавсия қилди. Шарқона ва замонавий услубларнинг уйғунлигига, ранглар мутаносиблигига аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади. Иншоотлардаги жузъий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Давлатимиз раҳбарининг байрам иншоотлари билан танишуви чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).



«Жар» спорт-соғломлаштириш маркази. Р. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 26 август, сешанба № 100 (22.184).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1994 йил 27 август — **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқи маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ҳамда онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун қатор фуқароларга мукофотлар бериш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Марҳум халқ ёзувчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) биринчи бўлиб «Мустақиллик» орденига сазовор бўлди.***

МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС НЕЪМАТ



СУРАТДА: мажлис пайти. **А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

25 август куни республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, бирлашма, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ижодкор зиёлилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда мустақиллик байрамини кутиб олишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Халқимиз бу йил мустақиллик байрамини кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда, деди Президент мажлисни очар экан. Мамлакатимизнинг бош майдонида ўтадиган театрлаштирилган томоша ана шу руҳни акс эттириши, биз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, маънавиятимизда рўй берган ўзгаришлар, қолаверса, халқимизнинг эзгу интилишлари ҳақида ҳикоя қилиши керак. Бу борада биз муайян тажриба тўпладик. Ишонаманки, томошани тайёрлашга мутасадди бўлган ижодкорлар, унда иштирок этадиган санъаткорлар илҳом билан меҳнат қилганлар, бор маҳоратларини ишга солганлар.

Биз мустақиллик байрамига нима учун бу қадар катта аҳамият берамиз? Уни энг муқаддас байрамимиз деб биламиз? Унинг умумхалқ тантаналарига айланиб кетаётганида қандай маъно бор?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Биз бу буюк байрамимиз, унда акс этадиган лавҳалар, янграйдиган қўшиқлар, ижро этиладиган рақслар орқали ана шу тушунчани одамлар онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Токи, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озод инсон деб ҳис этиши учун берилган беқиёс имконият деб қабул қилсин.

Одатда мустақиллик ва ислоҳот сўзларини бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда кўрамиз. Чунки фақат мустақил давлат, мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам одамлар яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади. Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир. Ислоҳотлар эса ана шу олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир. У Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва омилидир. Шунинг учун ҳам биз ватандошларимиз онгига мустақилликнинг қадрига етиш тушунчасини сингдиришимиз лозим. Токи, ҳар бир инсон мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки ўзига ўзи мен мустақиллик йўлида, уни мустаҳкамлаш борасида нима иш қилдим, деган саволни берсин.

Одатда одам бир нарсани йўқотмаса, унинг қадрига етмайди. У албатта йўқотган нарсаси учун азоб чекиши керак. Халқда, мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас, деган мақол ҳам бежиз туғилмаган. Биз мустақиллик сўзини баъзан ҳар қадамда такрорлайвериб, унинг салмоғини тушириб юборамиз. Холбуки, мустақиллик осмондан тушмайди. У тинимсиз кураш, қурбонлар эвазига қўлга киритилади. Агар биз чор Россияси қўшинлари Тошкент ёки Хевани босиб олишида қилган хунрезликларни эсласак, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби миллатимиз гулларининг тақдирини ёдга олсак, бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Қолаверса, мустақилликнинг дастлабки йиллари ҳам осон кечгани йўқ. Одамларни талафотлардан, очликдан сақлаб, етимларнинг бошини силаб, оғир синовлардан олиб ўтишнинг ўзи бўлгани йўқ. Мана шу ҳақиқат санъат воситаси орқали, бадиий образлар ёрдамида қишилар онгига етказилиши керак. Байрам томошаси сценарийсини такомиллаштиришда ана шу жиҳатларга эътиборни қаратиш, бу борада унинг муаллифларига яқиндан ёрдам бериш зарур. Бу нафис бадиият орқали амалга оширилиши, бизнинг кучимиз аввало маънавиятимизда эканлиги теран ифода этилиши даркор.

Мажлисда Ўзбекистон халқ шоири, театрлаштирилган томоша сценарийси муаллифи Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти, томоша режиссёри Рустам Ҳамидовнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра, ўтган шанба куни номаълум ҳарбий гуруҳ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кузатувчиларининг вертолёти ўққа тутилди. Натижада ушбу вертолёт Комсомолобод тумани ҳудудида қўнишга мажбур бўлди. Вертолётнинг учта жойини ўқ тешиб ўтганди. Маълумотларга кўра вертолёт бортида ҳукуматнинг қўшма комиссияси аъзолари ва бирлашган тожик муҳолифлари вакиллари бор эди. Халқаро амалдорлар Комсомолободдан МДҲ тинчликни сақловчи кучлари вертолётида Душанбега қайтиб келишди. БМТ кузатувчилари республиканинг шарқидаги ўз фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди.*

* * *

☑ *Қора денгиз ҳудудида, Одесса ва Николаев шаҳарлари атрофида НАТО ҳомийлигида «Си-Бриз-97» кўпмиллатли ҳарбий-денгиз машқлари бошланди. Уни Украина ва АҚШ НАТО ҳомийлигида бошлашди. Машқларда Украина, АҚШ, Туркия, Болгария, Руминия, Грузия жанговар ва ёрдамчи кемалари, шунингдек, денгиз пиёдалари бўлинмалари иштирок этишмоқда.*

* * *

☑ *Татаристон ва Бошқирдистон Республикалари Президентлари Минтемир Шаймиев ва Муртазо Раҳимов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашиш учун Алматига келишди. Музокаралар давомида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. Қатор қўшма шартномалар имзоланиши кутилмоқда.*

* * *

☑ *Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Миср пойтахтига ташриф буюришни мўлжалламоқда. У Президент Хусни Муборак билан Мисрнинг Исроил-Фаластин муносабатларидаги келишмовчиликларни ҳал қилишда воситачилик вазифасини бажариши масаласини муҳокама этади.*

Илгари хабар қилинганидек, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган халқаро тақдимот маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари журналистлари билан учрашди.

Матбуот конференциясида ишга туширилган заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, хорижий сармоялар иштирокида бунёд этилаётган бошқа иншоотлар — Қўнғиротдаги сода заводи, Хўжаободдаги улкан газ омбори, Тошкентдаги қоғоз фабрикаси каби ўнлаб лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳақида мухбирларга маълумот берилди. Мамлакат иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар — Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ҳақида батафсил суҳбат бўлди.

Шуни айтиш керакки, журналистлар Ислом Каримовнинг ҳар қандай саволга очиқ-ошкора жавоб беришига, йўлбошчимиз учун «ёпиқ» ёки «қалтис» мавзулар йўқлигига ўрганиб қолишган. Бу галги мулоқот чоғида ҳам шу ҳолат намоён бўлди. Мухбирлар Ўзбекистон — Россия муносабатлари, Марказий Осиё, хусусан, Тожикистон ва Афғонистондаги ҳозирги вазият, уни ҳал этиш йўллари борасида Президентимизнинг фикрини сўрадилар.

— Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ҳақида гапирганда, — деди Ислом Каримов, — сиёсат билан иқтисодиётни аралаштирмаслик керак. Биз бирор лойиҳани амалга оширишда танлов-тендер эълон қиламиз. Унда ғолиб чиққан фирма ёки компания, қайси давлатга қарашли бўлишидан қатъи назар, қурилиш ишларини бажараверади. Демоқчиманки, бизда иқтисодиёт мафкурадан бутунлай халос этилган. Бирон-бир лойиҳани рўёбга чиқаришда Россия фирмалари қатнашмаётган экан, бундан бошқача хулоса чиқармаслик керак.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ АЖРАЛМАСДИР

Биз ҳар қандай давлат билан, шу жумладан Россия билан ҳам тенгма-тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга, дунё андозаларига мос, бизга керакли товарларни сотиб олишга, ўз молларимизни жаҳон нархларида сотишга тайёрмиз.

Президент Тожикистондаги сўнгги воқеалар ҳақида тўхталиб бундай деди:

— Бизнинг Тожикистон масаласидаги қарашларимиз дунё аҳлига аён. Бу мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслик ва у ерда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши тарафдоримиз. Мен куни кеча Тожикистон Президенти И. Раҳмонов билан телефон орқали суҳбатлашиб, буни яна бир карра тасдиқладим.

Ана шу позициядан келиб чиқиб, шуни таъкидлайманки, биз бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш жараёнига раҳна соладиган ҳар қандай ҳаракатни қоралаймиз. Кишини хавотирга соладиган жойи шундаки, Тожикистондаги вазият бу мамлакатда ҳам Афғонистон фожеаси такрорланишига олиб келиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Афғонистон масаласига келсак, илгари баёнот берганимиздек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши бу мамлакатга қурол-яроғ олиб келишни қатъиян тақиқлаши лозим. Вазият Ўзбекистоннинг бу таклифига АҚШ, Россия ва Покистон ҳам қўшилишини тақозо этади.

Ҳозир гоҳ Бишкекда, гоҳ Исломободда Афғонистон масаласида тинчлик конференцияси ўтказиш таклиф этилмоқда. Бу борада менинг фикрим шундай: Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун, аввало, контакт-бирлаштирув гуруҳи тузилиши керак. Унга албатта АҚШ, Россия, Покистон ва Эрон аъзо бўлиши, қолаверса, Афғонистонга чегарадош бўлган бошқа давлатлар кириши зарур. Шундагина бирон натижага эришиш мумкин бўлади. Яна такрор айтаман, Афғонистонда барча гуруҳлар вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузилиши шарт. Бусиз муросага келиб бўлмайди. Кимки, бирон этник ёки миллий гуруҳ, диний оқим бутун Афғонистонда ҳукмронлик ўрнатаман деса, хато қилади. Шунинг учун, барча гуруҳ ва партиялар, биринчи навбатда «Толибон» ҳаракати бундай даъводан воз кечиши керак.

Матбуот конференцияси иштирокчилари Ислом Каримовга самимий мулоқот, саволларга берилган батафсил жавоблар учун миннатдорлик билдирдилар.

Маълумки, қадимги шаҳарларимиздан бири Бухорои шарифнинг 2500 йиллигига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Юбилей муносабати билан таъмирланган тарихий обидалар, бунёд этилган янги иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Ана шу иншоотлардан бири Масжиди Калондир. Президент Ислом Каримов бу ерда бўлиб, таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди. Ноёб касб соҳиблари — меъморлар, наққош усталар, шунингдек, бу ерда ҳозир бўлган дин пешволари билан суҳбатлашди.

— Сиз бу ерда бажараётган ишлар, мана шу таъмирланаётган тарихий обидалар келажак авлодлар учун абадий эсдалик бўлиб қолади, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, бу хайрли ишга меҳнати сингган қўли гул усталар номини бино пештоқида зикр этиш керак. Умуман, бундай савобли ишларни қадрлашимиз лозим.

Мустақиллигимизнинг шарофати ўлароқ, динимиз қайтди. Тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, бой маданий меросимиз — умуман айтганда, маънавиятимиз чангу ғуборлардан тозаланди. Аслида бу ишларни гапиришнинг, тарғиб қилишнинг ҳожати йўқ. Мусулмонликка, ўзлигимизга қайтиш ўз-ўзидан рўй бериши керак. Демоқчиманки, ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Охири келиб мана шу табаррук тупроққа бош қўяди. Шундай экан, ҳар бир одам дунёда нима учун яшадим, қандай савобли ишлар қилдим, деган саволни ўзига бериши керак. Айниқса, дин арбоблари инсон охиратни ўйлаганда пушаймон бўлмаслиги лозимлигини, бунинг учун эса ҳаётда ўз бурчини бажариб, савобли амаллар қилиб ўтиш зарурлигини кенг оммага тушунтиришлари керак. Чунки жанжаллар, тортишувлар, кундалик ҳаёт ташвишлари ўткинчидир. Лекин бунақа ишлар — таъмирланган обидалар, қурилган заводлар, осмонўпар бинолар абадий қолади ва авлодларга хизмат қилади. Ана шу ишларда бош-қош бўлган сиз каби меъморларнинг, усталарнинг, унга ҳисса қўшган одамларнинг меҳнати шафоат бўлса, ажаб эмас. Чунки Яратган ҳам миллат учун, ватан учун ишлаганлардан, бу йўлда ўзини фидо қилганлардан ризо бўлади.

Эсимда, бу масжид яқингинада ҳам вайрона эди. Сизнинг санъаткорона меҳнатингиз туфайли бутунлай бошқача кўрк ва салобат касб этибди. Биз ҳозиргина Қоровулбозорда бунёд этилган янги заводни ишга тушириб қайтдик. Завод, унинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни жуда катта, албатта. Лекин бу ерда амалга оширилган иш — Масжиди Калоннинг тикланиши эса моҳият эътибори жиҳатидан завод қурилишидан кам эмас. Демоқчиманки, иқтисодиёт билан маънавиятни бир-биридан ажратиб, бирини биридан устун қўйиб бўлмайди.

Масжидга одамлар покланиб кирадилар. Масжидда доимо самимий, рост гапирадилар. Шуниси қувончлики, мустабид тузум давридаги сохталик, жиззакилик, ғирромликлардан халос бўлиб, одамлар самимият — мўмин мусулмонликка қайтмоқдалар. Бу ҳам истиқлолимиз шарофатларидан биридир. Мана шундай самимият, маънавий баркамоллик билангина биз ёруғ келажакка етишимиз, Ўзбекистонимиз озод ва обод давлат бўлишига эришишимиз мумкин.

Бу ерда меҳнат қилаётган таъмирчи усталар, ишчилар қадриятларимизни тиклаш, маънавият тараққиёти йўлида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги учун йўлбошчимизга миннатдорлик билдирдилар.

Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 27 август куни соат 18 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида ўтказилади. «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳам ана шу куни соат 18 да Тошкент Давлат юридик институтининг залида ўтказилади.

«Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси 28 август куни соат 11 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Шу куни соат 12 да эса Олий Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки тўпланади.

Партия ахбороти

ШАКЛ ВА УСЛУБДАН ФОЙДАЛАНИБ

Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 400 дан ортиқ маънавият ва маърифат хоналари ва бурчаклари фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳа бўйича вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Унда мазкур соҳани янада такомиллаштириш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар белгиланди. Ҳозир шу асосда иш олиб борилмоқда. ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан шаҳар ва туманларда маънавият ва маърифат марказларини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланди ва партия ташкилотларига юборилди.

Табиийки, бу масъулиятли вазифаларни адо этишда баъзи бир қийинчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда. Ҳозирги аҳволни янада яхшилаш ва кўзланган мақсадларга эришиш учун нималар қилиш керак? Ана шулардан келиб чиққан ҳолда вилоят партия кенгаши жойларда маънавият ва маърифат ишлари самарадорлигини оширишда андижонлик партиядошларимизнинг иш тажрибаларига амал қилишга ҳаракат қилмоқда. Бунда партиявий ишнинг шакл ва услубларидан тўла фойдаланмоқда. Жумладан, вилоятда йил бошидан ўтказилиб келинаётган партия фаоллари ўқуви ўзининг самарасини бермоқда. Паркент шаҳрида бўлиб ўтган ўқув мавзуси ҳам Паркент тумани партия ташкилотларининг Инсон манфаатлари йилида маънавият ва маърифат соҳаларида олиб бораётган ишларига бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў.Турғунов келгусидаги вазифалар хусусида тўхталди.

Йиғилишда Паркент тумани кенгаши биринчи котиби И. Тўлаев маъруза қилди. Шундан сўнг тажрибалар алмашилди...

Ўқув-семинар иштирокчилари, шунингдек, туманда фаолият кўрсатаётган Тошкент тўқимачилик комбинати Паркент филиали бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан ҳам танишдилар. Сўнгра «Чотқол» биосфера қўриқхонаси музейига, 1-ўрта мактаб ва «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш корхонасига ҳамда «Чанғи» жамоа хўжалигига ташриф буюрдилар.

Ўқув-семинар машғулоти қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Неъматилла ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ярим йиллик якунлари муҳокама этилган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда Президентимиз эришилган ютуқлар билан бирга, муҳим вазифаларга эътиборни қаратдилар.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам пул эмиссияси даражаси баландлиги тилга олинди. Вилоятда аҳвол ҳамма жойда бирдек эмас, албатта. Хусусан, Шаҳрисабз шаҳрида олти ва етти ойлик якунлар бўйича муомалага чиқарилган пулнинг тўла қайтишига, бошқача қилиб айтганда, эмиссияни тўла бартараф этишга эришилди.

Хўш, бу эътиборга молик муваффақиятнинг сири нимада?

«ҲУКУМАТДАН РОЗИМИЗ...»

Эътироф этайлик-а, кундалик ташвиш ва ўзаро суҳбатларнинг аксариси пулга, унинг харид қувватига келиб тақалади. Бировни ўз вақтида маош ололмаётгани, бировни нарх-навонинг ўсиши ташвишга солади. «Пул қўлнинг кири, мурувватни унутмаслик керак», дейишади, дунёнинг баланд-пастини кўрганлар. «Пул — пулни топади» — тижорат ва савдо билан банд кишилар эътирофи шундай.

Хўш, аслида пул ва унинг давлат ҳамда фуқаролар ҳаётидаги ўрни ҳақида нималарни биламиз? Ўтмишда «Пулнома» каби тадқиқот-асарлар орқали турли даврларда муомала воситалари ўзгариб туриши ҳақида юзаки маълумот олганмиз. Совет пулининг сингани, фуқароларнинг куйиб қолганига гувоҳ бўлганмиз. Яратганга шукрки, мустақиллик туфайли ўз миллий валютамизга эга бўлдик. Ким нима демасин, пулимиз ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтмоқда. Буни айниқса, бозорларда яққол кўриб турибмиз. Ўтмишда соҳибқирон Темур бобомиз салтанатида донг таратган, ҳозирги пайтда ҳам вилоятда энг йирик Шаҳрисабз бозорида нарх-наво тарозуси, пул муомаласини кузатса бўлади. Бозор тўкин, одамлар гавжум. 100 сўмга 4 та тарвуз, 2 та қовун харид қилиш мумкин. Йирик-йирик миллий нон 15-20 сўм атрофида. Узум 35-40 сўмдан сотиляпти. Бозорни тарози деганимиз боиси шундаки, қайси маҳсулот кўп келтирилса, нархи пасайиб, акс ҳолда кўтарилиб бораверади.

— Бозоримизга ҳар куни минг-минглаб харидор ва деҳқонлар кириб-чиқишади, — дейди Шаҳрисабз бозор очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Эркин Номозов. — Пуллик хизмат ва тушумлар қатъий назоратда. Йиғилган пул ҳар куни банкка топширилади. Олти ойлик пул тушуми режасини 3 миллион 262 минг сўм ўрнига 3 миллион 576 минг сўм қилиб бажардик. Мавриди келганда, бозор қамровида ҳиссадорлик жамиятига тегишли биророрта дўкон йўқлиги, транспорт воситалари сақланадиган алоҳида майдонга эга эмаслигимиз анча қийинчилик туғдираётганлигини айтмай илож йўқ. Яна буюмлар сотиладиган тижорат бозори қурилса, пул тушуми тағин ҳам кўпайган, одамларга катта қулайлик яратилган бўларди. Пул қанча тез муомаладан қайтса, унинг қадри ошади, шаҳримиз иқтисоди мустаҳкамланади, одамлар ўз вақтида иш ҳақи, нафақа олишади.

— Бу чин ҳақиқат, — дейди бозор қаватидаги Қозигузар маҳалласи оқсоқоли Алимардон бобо Жўраев. — Ҳукуматимиз ва шаҳар ҳокимлигидан миннатдормиз. Ўз вақтида пенсиямизни олаяпмиз. Кам таъминланган оилаларга нафақа берилаяпти. Миллий пулимиз қадрини йўқотмаяпти.

ҚАТЪИЯТ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Алимардон бобо топиб айтдилар: сиёсат қатъиятлилик демакдир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа кейинги қарорлари давлат сиёсатининг ифодасидир. Бу қарорларда ҳокимлар, бошқа раҳбарлар масъулияти ва рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилган.

Шаҳрисабз шаҳрида бу борада ижобий натижалар кўзга ташланаётганлиги биринчи навбатда ҳокимлик ўтказаётган қатъий сиёсат ва қўллаб-қувватланаётган тадбиркорлик самарасидир. Бу борада шаҳар ҳокими Азим Зайниддиновнинг хизматларини эътироф этмоқ лозим. Асли касби қурувчи-муҳандис бўлган Азим ака воҳадаги йирик Ҳисорак сув омбори бунёдкорларидан бири эди, кейин «Ҳисораксувқурилиш» трестини бошқарди. Мустақиллик шарофати билан у Шаҳрисабз шаҳрининг биринчи ҳокими бўлди. Ўтган даврда шаҳарни сел сувларидан сақлаш, маҳаллаларни такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида ибратли ишлар қилинди. Соҳибқирон Амир Темурнинг қутлуғ туйи муносабати билан шаҳарда қарийб 1 миллиард сўмликка яқин қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бошқа рақамни ҳам келтириш мумкин. Банк муассасаларидан олти ойда шаҳар ташкилотларига 325 миллион 165 минг сўм нақд пул чиқарилган бўлса, 330 миллион 506 минг сўм қилиб қайтарилди. Бошқача қилиб айтганда, муомаладаги пул ортиғи билан қайтарилди ва пул эмиссияси тўла бартараф этилди.

— Июль ойи учун нақд пул қайтими 62 миллион сўм қилиб режалаштирилган эди, — дейди ҳоким муовини Аҳмад Ҳайдаров. — Амалда 500 минг ортиқчаси билан бажардик. Аммо булар осонликча бўлаётгани йўқ. 29 июль куни режани бажариш учун 13 миллион сўм етишмаётган эди. Тезликда ҳамма чоралар кўрилди. Пулни сақлаб турган ташкилот, корхона, дўконлар назоратга олинди. Яширмай айтиш керак, чунки нақд пулнинг бозори чаққон ва талабгори кўп. Уни ишлатадиган эҳтиёжманд доимо топилади. Бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас. Биз саноат корхоналарида халқ истеъмоли моллари сотишни ҳам йўлга қўйишга эътибор бераяпмиз. Шунинг ҳисобидан биргина июль ойида 15 миллион сўм маблағ тушди. Ярим йилликда аҳоли жон бошига 546 сўмдан маиший хизмат кўрсатилган. Бу оз, албатта. Хусусийлашиб кетган маиший хизмат шаҳобчалари ишини такомиллаштириш вазифаси турибди. Биз қассобларнинг уюшмасини ҳам туздик. Уйда шуғулланаётган миллий ҳунармандлар уюшмаси ишлай бошлади. Буларнинг ҳаммаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, ўз навбатида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, миллий валютамиз қадрини оширишга хизмат қилади.

ПУЛ ҚЎЛНИНГ КИРИ ЭМАС...

Шаҳрисабз шаҳрида эмиссия қандай бартараф этилди?

ИШЛАСА БЎЛАРКАН-КУ!

Банк жамғармалар ва пул ҳаракатининг кўзгусидир. Биз қобилиятли иқтисодчи Элбобо Раупов бошчилик қилаётган «Савдогарбанк» ҳиссадорлик тижорат банки Шаҳрисабз бўлимида бўлдик. «Савдогарбанк» банклар орасида энг кўп — 295 та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Банкда (унинг тажрибасини алоҳида ўрганмоқ лозим) савдо ташкилотлари аҳволи, пул тушуми билан танишдик.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасида ўтган мажлисда: «Пулни қайтариб оладиган асосий манба — савдо соҳаси тўла хусусийлаштирилган. Лекин шунга қарамай, савдо фаолиятида ўзгариш жуда кам», деган эдилар. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам савдо ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этаётир.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, Шаҳрисабздаги бир нечта савдо, тижорат ташкилотлари орасида «Савдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти салмоқли ўрин тутар экан. Энг кўп пул тушуми ҳам шу ташкилот ҳиссасига тўғри келмоқда. Биргина июль ойида 17 миллион 202 минг сўм нақд пул топширилибди. Биз 3-, 23- сонли ва бошқа савдо дўконларини кўздан кечирганимизда, касса аппаратлари ишлатилаётганлиги, кундалик тушумлар пешма-пеш топширилаётганлиги, хилма-хил моллар сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Очиғи, ишимизда ҳали камчиликлар бор, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Парда Қиличев. — Баъзи ойлар пул тушуми кўпайиб, баъзи ойлар камайиб қолиш ҳолларидан кўз юмолмаймиз. Аммо ҳамма чоралар кўрилаяпти. Ҳозир 76 та дўкон аҳолига савдо хизмати кўрсатаяпти. Шу жумладан, барча маҳаллаларда ҳам дўконимиз бор. Банкдан қарзимиз йўқ. Ўтган йили 2 миллион сўмдан ошиқ фойда олган эдик. Бу йилнинг олти ойида фойда 2,4 миллион сўмни ташкил этмоқда. Шунинг ҳисобидан яна 2 та янги дўкон қурмоқчимиз. Шаҳар марказидаги «Наврўз» боғида супермаркетга мўлжалланган бино қурилади. Бу йил 974 минг сўмлик жамғарма маблағи ташкил этдик. Фақат фонд орқали берилаётган маҳсулотларга қараб қолганимиз йўқ.

Гап нақд пул тушуми ҳақида кетар экан, транспорт хизматини эсдан чиқариб бўлмайди. Хусусан, патент олиб ишлайдиган шахсий машиналар кўпайиб бораётганлиги, уларнинг фаолияти етарли назорат қилинмаётганлиги нақд пул тушумига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хўжалик ҳисобидаги Шаҳрисабз автошоҳбекатида хусусий транспорт воситаларига ҳам хизмат кўрсатила бошлабди.

— Аввало, ўз ишимиз ва нақд пул тушуми режалари ҳақида гапирай, — дейди шоҳбекат бошлиғи Муродулло Назаров. — Соҳибқирон бобомиз тўйи арафасида ишга туширилган шоҳбекат янги биносида йўловчи ва транспорт ҳайдовчилари учун ҳамма шароитлар яратилган. Бу нақд пул топшириш режалари бажарилишига ҳам таъсир кўрсатаяпти. Ярим йилликдаги режани 11 миллион 80 минг сўм ўрнига 14 миллион 689 минг сўм қилиб бажардик. Шундан 7 миллион 150 минг сўмини Шаҳрисабз шаҳри, қолган қисмини Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши туманлари ҳисобига ўтказиб бердик. Июль ойи режаси ҳам ошиғи билан бажарилди. Биз шахсий транспорт воситалари билан шартнома тузиб, бекатимиз хизматини таклиф қилдик. Ҳозир Шаҳрисабз — Тошкент маршрути бўйича 15 та, Яккабоғ—Тошкент маршрути бўйича 2 та хусусий автобус қатнамоқда. Биз йўловчиларга билет сотиб берамиз, бошқа хизматларни адо этамиз. Натижада ярим йилда Шаҳрисабз шаҳри ҳисобидан 53 минг 489 сўм, Яккабоғ тумани ҳисобидан 28 минг 449 сўм фойда олиниб, шоҳбекат ҳисобига тушди. Албатта, шахсий транспорт воситалари солиқ идоралари билан қандай ҳисоб-китоб қиляпти, нақд пулни қандай ишлатяпти — бунга аралаша олмаймиз. Бу — янгича ишлашнинг бошланиши. Менимча, хусусий транспорт воситаларининг алоҳида уюшмаси тузилса, нақд пул тушуми бўйича режалар белгиланса, пулнинг қайтишига ижобий таъсир кўрсатарди...

Ислоҳот ва масъулият

МУЛОҲАЗА ЎРНИДА

Юртимизда амалга ошаётган ислоҳотларга қўшилган ҳар қандай ҳиссанинг ўз ўрни бор. Миллий валютамизни мустаҳкамлаш, пул эмиссиясини камайтириш борасида Шаҳрисабз шаҳрида эришилган натижа шу жиҳатдан ҳам эътиборга молик. Буни эмиссия даражаси баланд бўлган вилоят туманларига ёйса арзийди. Аммо иқтисодиётнинг ўз қонунлари бор. Эришилган натижани йил охиригача сақлаб туриб бўладими? Иқтисодни мустаҳкамлаш ва пул тушумига халақит бераётган муаммолар йўқми? Бу саволлар замирида айрим мулоҳазалар ётибди.

Дастлаб, харидорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қизиқишини ошириш даркор. Бу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, йирик саноат корхоналари ва миллий ҳунармандларга эга бўлган Шаҳрисабз шаҳрида сифатли ва харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Масалан, вилоятда ягона бўлган «Мебель» корхонаси иши талаб даражасидан орқада қолмоқда. Ҳатто мамлакатимизда энг йирик ҳисобланган, хорижий дастгоҳлар билан таъминланган пиллакашлик корхонасининг бюджет ва иш ҳақидан миллион сўмлаб қарздор бўлиб турганлигини тилга олмай илож йўқ. Шаҳрисабз кўчма, бошқача қилиб айтганда «Жума» бозори билан ҳам машҳур. Аммо аввалдан яшаб келган тижорат бозори учун алоҳида ер майдони ажратиш масаласи ҳамон ҳал бўлмаяпти. Бу бозорнинг қайта шаклланиши бошқа жойларга кетаётган пул оқимини камайтириш, шаҳар ва вилоят иқтисодини мустаҳкамлашга, жумладан, аҳолига қулайлик яратишга олиб келади. Илгари бу бозорга бутун вилоятдан харидорлар келишарди. Хуллас, гапираман деса гап кўп... Фақат бир суҳбатни келтирмоқчимиз.

— Пулингизнинг ранги ўчиб кетибдику, — деди Шаҳрисабз бозорида бўлганимизда қовун сотувчи харидорга. — Бунингиз ўтадими?

— Олабер ўғлим, — деди узум келтирган кекса отахон. — Қопқоп пулларни кўрдик. Бу ўзимизнинг пулимиз. Кучиям жойида. Пулни хор қилмасанг, кам бўлмайсан...

Бу — ҳақиқат. Унга изоҳнинг ҳожати йўқ эди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шарқ тароналари

МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ САРЧАШМАЛАРИ



Миср Араб Республикаси мусиқа ихлосмандлари Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилишини орзиқиб кутган эдилар. Бунинг боиси бор албатта. Биринчидан, фестиваль қатнашчилари сафида мисрлик таниқли араб мусиқачилари бўлса, иккинчидан МАР Бадиий Академияси Қоҳира араб мусиқаси институти профессори, санъатшунослик фанлари доктори жаноб Фатхи Абдураҳмон ал-Хамисининг жюри ҳайъатига тайинланганидир.

— Мисрликлар Ўзбекистонни жуда яхши биладилар, бош мақсади уйғун ривожланган давлат қуришга интилаётган изчил ва собитқадамлик билан олиб бораётган ислоҳотларининг муваффақиятларидан қувонмоқдалар, — дейди профессор «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Бугун Ўзбекистонда миллий маънавиятни тиклашга барча шароитлар яратилган. Қадимий анъаналар, ўзбек халқининг буюк ўғлонлари ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ҳақидаги хотиралар тикланмоқда.

— Араб ва ўзбек халқларини минг йиллик тарих боғлаб туради. Классик ўзбек ва анъанавий араб мусиқалари инсоният доҳийлари — ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Киндийлардан бошланади, шарқ халқларининг достонлари маънавий бир-бирини тўлдиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда такрорланмас халқ санъатини тиклашда кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Самарқандда ўтадиган халқаро «Шарқ тароналари» фестивали бунга ёрқин далилдир. XXI аср бусағасида Шарқ мусиқа ижодиётининг қайтиши, тикланиши ва ривожланиши, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланиши, ижодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳал этади. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг ана шундай муҳим, долзарб халқаро анжуманни ташкил этгани ҳамда унинг ишида Миср делегациясининг қатнашишга самимий таклифи учун ўзининг катта миннатдорчилигини билдиради.

Р. ҚОДИРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.
Қоҳира.

Суратда: доктор Фатхи Абдураҳмон ал-Хамиси.

МУСТАҚИЛЛИК ТЎЙИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ – ШВЕЙЦАРИЯ

«ШОШТРАНС»

қўшма корхонаси акционерлик жамияти республика ҳукуматини ва барча Ўзбекистон халқини **мустақиллик байрами** билан самимий муборакбод этади!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 26 августидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	*55,09*
1 Австрия шиллинги	*5,77*
1 Англия фунт стерлинги	*118,52*
10 Бельгия франки	*19,67*
1 Голландия гульдени	*36,06*
10 Греция драхмаси	*2,58*
1 Дания кронаси	*10,66*
1 БАА дирхами	*20,08*
1 АҚШ доллари	*73,75*
1 Миср фунти	*21,74*
1 Ирландия фунти	*108,63*
1 Исландия кронаси	*1,02*
10 Испания песети	*4,81*
100 Италия лираси	*4,16*
1 Канада доллари	*53,03*
1 Хитой юани	*8,90*
1 Қувайт динори	*242,07*
100 Ливан фунти	*4,82*
1 Малайзия ринггити	*26,61*
1 Германия маркаси	*40,60*
1 Норвегия кронаси	*9,73*
1 Польша злотийси	*21,24*
10 Португалия эскудоси	*4,01*
1 Сингапур доллари	*49,30*
1000 Туркия лираси	*0,45*
1 Финляндия маркаси	*13,57*
1 Франция франки	*12,05*
1 Швеция кронаси	*9,27*
1 Швейцария франки	*49,33*
1 ЭКЮ	*79,83*
10 Жанубий Корея вони	*0,82*
10 Япония иенаси	*6,25*
1000 Россия рубли	*12,67*
1 Украина гривнаси	*39,76*
1000 Белорусь рубли	*2,69*
1 Эстония кронаси	*5,82*
1 Латвия лати	*124,79*
1 Литва лити	*18,44*
1 Қозоғистон тенгеси	*0,98*
1 Қирғизистон соми	*4,30*

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

"ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ"

ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК УЮШМАСИ ВА

"САМАРҚАНД — ПРАГА"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ

Ўзбекистон ҳукуматини, бутун ўзбек халқини мамлакатимиз мустақиллигининг шонли олти йиллиги билан қизғин муборакбод этади.

Биз Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида халқимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси хорижий шериклар билан биргаликда иш юритиб, мамлакатимизнинг бой-бадавлат бўлишига, гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаверади. Ўзбекистон ҳар томонлама тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаши йўлида бор куч-ғайратимиз ва шижоатимизни аямаймиз.

Шуниси қувончлики, биз Ўзбекистонимизнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш борасида бирмунча ютуқларга эришдик. Жумладан шу йилнинг ўзида хорижий шериклар билан қатор қўшма корхоналарни ишга туширишга муваффақ бўлдик. "Кока-кола" ичимлиги Тошкент ЛТД," Намангандаги "Кока-кола" ичимлиги масъулияти чекланган қўшма корхонаси."Самарқанд — Прага" "Макс-Хуросон ЛТД" маъданли сув ва чанқовбосди ичимликлар қўшма корхоналари маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Мамлакат мустақиллигининг олти йиллиги арафасида эса яна бир янги корхона — Урганчда маъданли сув ишлаб чиқарадиган "Кока-кола" қўшма корхонаси ишга туширилди.

ЙЎЛИМИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Айни пайтда Янгийўлда "Лаззат-Мивон" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси аҳолига кўплаб қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Ўзбекистоннинг шакар мустақиллигига эришиш йўлидаги ҳаракатлар давом эттириляпти. Хоразм вилоятида шакар заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. У ишга туширилгач, йилига 43 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Демак, уюшмамиз корхоналари ички бозоримизни рақобатбардош, асл маҳсулотлар билан тўлдириш ва уларни халқимизга етказиб беришдек асосий вазифани шараф билан уддалайдилар.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини улуғ байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, осойишталик, тотувлик бўлишини тилаймиз, "Инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган 1997 йилда ва ундан кейин ҳам халқимиз дастурхони тўкин бўлсин! Биз эса ана шу эзгу ниятлар амалга оширилиши йўлида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз!



"ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ" давлат ҳиссадорлик уюшмаси ва "САМАРҚАНД – ПРАГА" қўшма корхонаси жамоалари.



ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонасида жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш мавзуига бағишланган икки кунлик илмий-амалий анжуман ўз ишини якунлади. Уни инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ташкил этди. Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилот ва жамғармаларнинг вакиллари қатнашди. Семинарни ўтказишдан асосий мақсад хотин-қизларга ҳозирги жамият ҳаётида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қилишида кўмаклашиш, бу борада республикамизда ва халқаро миқёсда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан таништиришдир.

Икки кун давом этган бу семинарда кўплаб маърузалар тингланди. Ўзаро мунозаралар бўлди. Семинар давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонаси жамғармаларидан ташкил этилган «Ҳуқуқий маданият ва хотин-қизлар» мавзуидаги китоб-суратли кўргазманинг тақдимоти ҳам бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

«КОМПЬЮТЕР»БОЛА

Инсон онгининг чексиз имконияти ҳар йили башариятга турли маълумотлар бермоқда. Одатда, ҳар бир аср сўнггида ва янги аср бошланиши арафасида ақл бовар қилмайдиган ҳодиса ва воқеалар рўй берар экан.

Шоҳруҳ Ғуломов эндигина 5,5 ёшга тўлди. Жуссаси ҳам ёшига мос. У ўзи тенги болалар сингари овқатланади, ухлайди, шўхлик қилади. Хуллас, бир жиҳатдан ҳамма болаларга ўхшайди. Аммо унинг бошқа болаларга, ҳатто катталарга ҳам ўхшамайдиган яна бир қобилияти, имконияти бор.

Нима, дейсизми? Шоҳруҳдан бемалол компьютер ўрнида «фойдаланиш» мумкин. Шоҳруҳ ҳисоблаш машинкасидан ҳам тезроқ керакли ҳисобни айтиб беради. Адашмайди. Қоғоз, ручка ишлатиш тугул бир пас ўйлаб ҳам олмайди, фақат кўзингизга қараб, сизнинг саволингизни тақрорлайди ва дарҳол жавобини айтади.

Тўғри, у ҳали мактабга бормаган. Лекин бемалол Кирилл алифбосида китоб ўқийди. Шоҳруҳнинг отаси Адҳамжон — суратчи. Онаси — Ёрқиной — ҳамшира. Адҳамжон билан Шоҳруҳ ҳақида суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— Уч ёшида, эндигина тили чиққан пайтлари эди. Мен бир воқеа туфайли ўғлимнинг ўта нозик нарсаларга ақли етаётганини сезиб қолдим. Синаб кўрган эдим, тўғри жавоб берди. Мана 3 йил бўляпти, биз ўғлим билан шуғулланамиз. Дастлаб кичик сонларни қўшиш ва айришни ўргатдим. Кейин катта рақамларга ўтдик. Қоғоз, ручка ишлатмаймиз. Машғулотлар оғзаки бўлади. Шоҳруҳ доим бажонидил ўрганарди, аксинча, мен ўзим зерикиб кетардим. Ҳозир унинг ақли етган мисолларга менинг ақлим етмайди. Ўйлашимча, унинг онгида қандайдир сирли кўзлар бор. Биз кўрмаган нарсаларни ҳам кўра олади.

Сирли олам

Дарҳақиқат, олам ажойиботларга тўла, имкониятлар эса чексиздир.

Мўътабар ҒУЛОМОВА.

СИНОВГА ҲОЗИРЛАНИБ

Футбол

Маълумки, мамлакатимиз футболи масъулиятли синов олдида турибди. Келаси йили Францияда бошланадиган жаҳон футбол чемпионатининг Осиё минтақаси бўйича ўтказилаётган саралаш учрашувларининг иккинчи босқичи бошланиши арафасидамиз. Зеро, бериладиган тўрт йўлланмадан бирини қўлга киритиш зўр шижоат ва маҳоратни тақозо этади. Рустам Мирсодиқов бошчилигидаги мамлакат терма жамоаси эса мазкур учрашувларга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Мухлисларга аёнки, дастлабки учрашув 7 сентябрь куни сафарда Япония жамоаси билан ўтказилади. Япония сафари олдидан бош жамоамизнинг Яман футболчилари билан сўнгги учрашувида майдонга синалган ўйинчилар қолиб, ўринбосарлар туширилгани бежиз эмас. Учрашув мухлису мутахассислар кутганидан зиёда кечди. Футболчиларимиз бўш келишмади. Хусусан, дарвозабон Филиппов, ҳужумчилардан Шацких, Дўрмонов, Ширшов, Шоймардонов, Шарипов, Бозоров, Мадраҳимовлар яхши ўйин кўрсатишди. Айниқса, тажрибали Игорь Шквирин бўш келмади.

Танаффусгача ҳисобни Шквирин очган бўлса, Аларики тенглаштирди. Танаффусдан кейин Шацких яна бир бор дарвозани ниқонга олди. Бозоров ҳисобни 3:1 га етказди. Шквирин иккинчи тўпини киритди. Ниҳоят ўйин тугашига 10 минут қолганда Шацких ҳисобни 5:1га етказди. Шундай қилиб футболчиларимиз масъулиятли сафар учрашуви олдидан мухлислар ишончини оқлаб, умидворлик уйғотишди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 26 avgust, seshanba № 100 (22.184).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН - АМЕРИКА

«АЛ-ФАРОСАТ»

қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикаси халқини улуғ айём — **Мустақиллик куни** билан чин қалбдан муборакбод этади.

Катта қувонч ила ўзбек халқи билан биргаликда ана шу муқаддас байрамни кутиб олмоқдамиз. Мустақил демократик давлатни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишлардан беҳад қувонмоқдамиз.

Мамлакат раҳбариятининг хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган сиёсати самарали ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим омили бўлмоқда.

Келажаги буюк бўлган бу гўзал мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашини, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига тинчлик, фаровонлик ва бахт-саодат, бунёдкорлик ишларида омад тилаймиз.

Манзилгоҳ: Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 1
Тел: 56-84-47, 1367344, 56-37-23, 1362146.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки

Ўзбекистон истиқлолининг тарих зарварақларида қолажак олти йиллиги тўйи муносабати билан республика ҳукуматини, бутун халқини чин дилдан муборакбод этади. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳур Ватанимиз янада озод ва обод бўлиши учун элим деб ёниб яшайлик. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин. Ўзбекистон халқи асрлар оша мустақил ва бой давлат бўлиб яшайверсин! Қутлуғ байрам муборак, азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки.

ЛАВЛАГИДАН ОЛИНГАН ОЛИЙ НАВ

ШАКАР



Шартнома асосида Тошкентдаги омбордан етказилади

Манзилгоҳ: Тошкент, Лоҳутий кўчаси,1
Тел. 56-84-47. 56-32-49.
56-37-23. 56-55-80.



«ЯНГИ ТОШКЕНТ КОНСЕРВА»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҚУЁШЛИ ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА ЭРКИН, ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТ КЕЧИРАЁТГАН БАХТИЁР - УЛКАН, ЧИНОР ЯНГЛИҒ ТЕРАНҚАЛБ ХАЛҚИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!

СУЮКЛИ ВАТАНИМИЗ - ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ САРИ, ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ СЕРОБЛИГИ ВА МАЪМУРЧИЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТГА КАМАРБАСТА ЭКАНЛИГИМИЗНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ИЗҲОР ЭТАМИЗ!

АЗИЗЛАР, ИСТИҚЛОЛНИНГ ТАРИХИЙ 6 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЯПМИЗ!

УНУТМАЙЛИККИ, МУСТАҚИЛЛИК ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҚУТЛУҒ НЕЪМАТДИР!

МУСТАҚИЛЛИК - ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗНИ УШАЛТИРАВЕРСИН!

«ЯНГИ ТОШКЕНТ КОНСЕРВА» КОРХОНАСИ.

Хабарингиз борми?

«НЕКСИЯ» ВА ЯНА 499 СОВҒА

Пойтахтдаги Олой бозорининг марказий павильонида «Си-Про» концерни ташкил этган «Инвайт—совға» биринчи уйини ўтказилди. Бу «омад пакетчалари» жаҳоннинг турли мамлакатларида шуҳрат қозонган. Эндиликда улар ҳам бизнинг бозоримизга кириб келмоқда. Ўзбекистон бозорини ўрганиш мақсадида «Инвайт—совға» уйини ўтказилмоқда.

— Уйиннинг биринчисида 2 мингта иштирокчи қатнашди, бу чакки эмас, — деди «Си-Про» концернининг жамоатчилик билан алоқа буйича директори Р. Меркун. — Уйлаймизки сентябрь охирида ўтадиган иккинчи уйинда уларнинг сони бундан ҳам кўп бўлади. Ўзбекистон катта имкониятларга бой мамлакатдир. Шу боис компаниямиз республика иқтисодиётига йирик инвестициялар қилишни режалаштирмоқда.

Ҳозир маҳаллий ҳом ашёдан фойдаланган ҳолда бир зумда тайёрланадиган ичимликларни ишлаб чиқариш заводини қуриш масаласи муҳокама қилинмоқда. Тошкент бозорларини кўриб ҳайратга тушдик. Улар мамлакатда бозор иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган амалий ғамхўрлик ифодасидир.

«Инвайт — совға» биринчи уйинида 500 та турли хил совға уйналди. Тошкентлик Муқаддас Хўжаевнинг омади келди. У бош совға — кордек оппоқ «Нексия» автомобилининг эгаси бўлди. Сентябрь охирида ўтадиган иккинчи уйинда ҳам «Нексия» автомобили ва яна 499 та қимматбаҳо ютуқ қўйилган.

Алишер РЎЗИЕВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА